



Ер участкаларини ажратиш
ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ,
ЕРГА МУНОСАБАТ-ЧИ?

6-бетда
 ЎҚИНГ ↓

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 7 июнь
 сешанба
 № 21 (1329)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



Маруса ҲОСИЛОВА,
 “Инсон ва қонун” мухбири

Нимани хор
 қилсанг, шунга
 зор бўласан...

ЁХУД КЎРНАМАК БЎЛМАЙЛИК!

2-бетда
 ЎҚИНГ ↓



АЖДОДИНГА СУЯНМА,
 ЎЗИНГНИ ТОП!

НИМА УЧУН
 КИТОБ
 МАҲСУЛОТЛАРИ
 КҚСдан ОЗОД
 ҚИЛИНМАДИ?

5-бетда
 ЎҚИНГ ↓



Ҳасан НАСИМОВ,
 Қашқадарё вилоят адлия
 бошқармаси бошлиғи
 ўринбосари



Шаҳноза СОАТОВА,
 журналист



3-бетда
 ЎҚИНГ ↓

Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан...



Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



!
БУГУН бир кунда Тошкент шаҳри бўйича **2 тонна** нон чиқинди-хонага улоқтирилмоқда.

Бугун замон ўзгарди. Наҳотки, йиллар бизни ўзгартирган бўлса? Ўтмишни нега унутдик? Ўзимизни нондан баланд тутадиган бўлдикми? Ўтган аср уруш йилларидаги қаҳатчилик, бир парча нонга зорлик, муҳтожлик сабоқларини бунча тез унутдик! Ерга тушган буғдой бошоғини териб жон сақлаган, очликка чидай олмасдан вафот этган момолар, боболар қисматини бунча тез ёддан чиқардик! Ахир, бир бурда нон машаққатлари эртак эмас, ҳақиқат эди-ку!

Бугун нонни исроф қилгани етмаганидек, бу буюк неъматни молларига бераётган, кўйларини нон билан боқаётган юртдошимиз, қариндошимиз, ошнаимизни нега тартибга қақирмай кўйдик? Ёки бундай одамларни билмаймиз, кўрмадик деб виждонимизга қарши борамизми? Ахир, ҳар биримиз бундайларга дуч келганмиз, гувоҳимиз-ку! Нега нонни чиқинди қутиларига ташлаётганларни кўриб кўрмасликка олаимиз? Нега бирор марта уларни огоҳлантирмаймиз? Газета ёки телеэкранларда нега нонни исроф қилаётганлар ҳақида лавҳа ёки кўрсатув беришни ўзимизга эп кўрмаймиз? Шу бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз билан нон ҳақида, миллий ифтихор ҳақида гапиришга ҳаққимиз борми?!

Бугун барчанинг тилида нон нархининг ошганлиги ҳақидаги гап. Нонни асрашни билганлар эмас, билмаганлар кўпроқ бу ҳолатдан норози бўлиб жар солаётганлиги кишини таажжублантиради.

Нонни исроф қилаётган, нонни увол қилаётган кимсалар бугун нонкўрликдан қўрқмай кўйди. Халқимизда “Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан!” деган яхши ақида бор. Бугун нонни хор қилсак, эртага сув, ҳаво... Ҳаммасининг ўлчови, уволи, гуноҳу савоби бор-

лигини унутмайлик. Ахир, бу неъматлар бизга ўлчаб берилган-ку. Нонимиз бошқа давлатларда қадрланаётган бир вақтда бизнинг бундай муносабатимизни кечириб бўлмайди.

Мана бу ахборотни ижтимоий тармоқда “Тошкент шаҳар махсустрас ишлаб чиқариш бошқармаси” маслаҳатчиси Исмоил Сагдуллаев саҳифасида ўқигандим. Ачинарли мулоҳазаларимни постимда ёритгандим. Аммо бугунги кунда нон баҳосининг ошиши билан боғлиқ норозиликлар сабаб яна шу мавзуга қайтишни, ўз фикрларимни билдиришни лозим топдим.

Айтиб қўяй, мен ноннинг арзон-қимматлиги ҳақида иддао қилишдан йироқман. Аммо ноннинг қадрсизланишига, оёқости қилинишига, нонкўрликларга чидай олмайман... Нонни қадрлаш ҳам маънавиятимизга, маданиятимизга, шахсиятимизга дахлдор эканлигини эслатиб қўймоқчиман, холос! Ўқиб кўриб, ўзингиз хулоса чиқаринг!

“Тошкент шаҳрида бир кунда жами 2 тоннага яқин нон чиқиндига ташлаб юборилмоқда. Тошкент шаҳри бўйича 606 та чиқинди йиғиш майдончалари мавжуд. Чиқинди йиғиш шохобчаларининг 71 фоизи “Тошкент шаҳар махсустрас ишлаб чиқариш бошқармаси”га, қолган 29 фоизи эса хусусий хизмат кўрсатиш шохобчаларига тегишли.

Шаҳар бўйича 1000 та чиқинди-хона шохобчасининг ҳар биридан кунига 2-3 килограммдан жами 2 тоннага яқин нон чиқиндига олиб чиқиб ташланади. Ишчилар бу нонларнинг яхшиларини мол-қўй боқадиган одамларга бериб юборишади. Моғорлаганларини эса ариққа оқизишга мажбур бўлишади.”

ёхуд

КЎРНАМАК БЎЛМАЙЛИК!

f

Ижтимоий тармоқдаги саҳифамда **“Нон азиз... Бу қадрият ўтмишда қолдимми?!”** дея куйинган эдим. Юраги уйғоқ ҳамкасблар, ҳамюртлар, дўстлар, ҳатто нотанишлар ҳам ўз фикрларини билдиришибди:

- ✓ **“Нон кўр қилсин бундайларни!”** (Моҳигул Назарова),
- ✓ **“Бу бор гап. Ноннинг оширилиши эса Худонинг жазоси”** (Меҳринисо Қурбонова),
- ✓ **“Кўрнамакмизу, яна нон қимматлашди, деймиз. Албатта, бу айримларга тегишли гап...”** (Қўчқор Норқобил),
- ✓ **“Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан дейишади...”** (Шоҳира Ҳамро),
- ✓ **“Ким зор, ким эса этар хор... Афсус, кимлардир нонни хўрлашди, унга муҳтожлар аввалгидан қимматроқ бадалини тўлашади...”** (Фарида Абдуллаева),
- ✓ **“Энди ноннинг қадрига етишар...”** (Дилбар Тошева),
- ✓ **“Оғриқли, аммо ҳақиқат!”** (Моҳира Шакарова),
- ✓ **“Оч қолганлар ноннинг қадрини билади”** (Нодира Холова)...

“

”

Демак, орамизда ҳали нонни ардоқлайдиган, уни кўзга суртадиган инсонлар кўп. Келинг, яхшилар, биргаликда бу иллатга қарши курашайлик. Нонни исроф қилмасликка ўрганайлик, ҳеч бўлмаса нонкўрларни бу йўлдан қайтарайлик! Юртимизда қанча-қанча тадбирлар, қанча-қанча форум ва акциялар ўтказилмоқда.

Келинг, шундай бир акция ўтказайликки, токи Ўзбекистонимизда нонни исроф қилмаслик муқаддас шиор бўлсин, нонни асрашни қонимизга сингдирайлик! Нонни увол қилиш бу дунёдаги энг оғир гуноҳи азимлигини тан олдирайлик! Ахир, нон азиз бўлсагина, инсон азиз эмасми?!



АЖДОДИНГА СУЯНМА, ЎЗИНГНИ ТОП!



ТАЪЛИМ соҳаси ривожланган ҳамда халқи илм ва маърифатни мукаммал эгаллаган юртнинг келажаги буюк бўлади.

Ўрта асрнинг комусий олими, бобомиз Абу Райхон Беруний “Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақлидир”, буюк шоир ва мутафаккир, газал мулкининг султони Алишер Навоий эса “Илми ким воситайи жоҳ этар, Ўзинию халқни гумроҳ этар” дея илмнинг нуфузи нақадар бекиёс эканлигини таъкидлашган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ишни илм-фан вакиллари билан учрашувдан, уларнинг соҳа тараққиётига оид тақлиф ҳамда мулоҳазаларини олишдан бошлагани, учрашувда “Илм-фан билан шугулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудук қазишдек гап”, “Дунёда энг катта бойлик ёшлиқда олинган билим ва эгалланган касб-хунар” деган фикрларни билдиргани илм-фан ва таълим-тарбия масаласини давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантди.

Тарихдан маълумки, илм-фан соҳасининг ривожланишида тилнинг аҳамияти бекиёс. Масалан, Англия тараққиётини тезлаштирган энг муҳим омиллар орасида инглиз адабий тилининг давлат (дунё) тилига айлангани Шекспир, Вальтер Скотт ва бошқа ёзувчилар тарихий асарлар ёзиб, ўз халқини дунёга танитгани алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчиларга баҳо қўйилмайди...

Бугун мамлакатимизда таълим соҳаси ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилаётгани ҳам эътирофга молик. Жумладан, **Финляндия** тажрибаси. Финляндиялик ўқувчилар дунёнинг энг яхши ўқувчиларидан ҳисобланади. Улар бошқа мамлакатлардаги тенгдошларига нисбатан мактабда камроқ вақт ўтказишади ва кунига энг кўпи билан ярим соат дарс қилишади. Мактабларда тушлик, уюштирилган экскурсиялар ва дарсликлар мутлақо бепул ва барча харажатлар давлат маблағлари (давлат бюджетининг 12,2 фоизи) ҳисобидан қопланади. Ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашув, баҳолаш ўқувчининг ўзига бил-

дирилади (ўқувчиларга 3-синфгача баҳо қўйилмайди, 3-синфдан 7-синфгача баҳолаш оғзаки тартибда қўйилади, улар “ўрта”дан “аъло”-гача бўлиши мумкин). Эркинлик маскани мактабларда эса ўқувчи билим олиши учун, албатта, партада ўтириши талаб қилинмайди. Айрим ўқувчилар диванда ёки гиламда ўтиради, қуёшли кунларда дарслар очик ҳавода ёки махсус амфитеатрларда ҳам олиб борилиши мумкин. Уйга вазибаларни бажариш кўп вақт талаб этмайди ва кизикарли бўлади. Масалан, тарих дарсида ўқувчига бобоси ёки бувасидан 50-йиллардаги ҳаёт қандай бўлганлиги ҳақида интервью олиб келиш ҳамда ўша йиллар ва ҳозирги давр ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириб бериш вазибаси топширилиши мумкин. Болалар 45 дақиқалик дарсдан сўнгра 15 дақиқалик танаффусга чиқади.

Ушбу мамлакат ўқитувчилари дунёнинг энг зўр ўқитувчиларидир. Уларнинг ўртача маоши 3 минг 500 евро ташкил қилади ва ўқитувчи бўлиш нуфузли касб саналади.

Мактабларда қатъий белгиланган ўқув дастури мавжуд эмас. Қандай методика ва ўқув дастуридан фойдаланиши ўқитувчининг ўзи ҳал қилади. Дарслар билан бирга ўқувчилар қатта ва ҳақиқий ҳаётга ҳам тайёрланади. Айтайлик, сузиш дарсларида ўқувчилар чўқаётган одам белгиларини ўрганади. Мактабларда асосий эътибор табиатга дўстона муносабатда бўлишга, уни асраб-авайлашга қаратилади. Энг муҳими, мактаблардаги таълим тизими ўқувчиларни янги ва ўзгариб бораётган дунё муҳитига мослашиб кетишга ўргатади.

Ўрта таълим 5 ёшдан 18 ёшгача барча болалар учун мажбурий

Нидерландияда аксарият ўқув муассасалари хусусий ва барча ўқув юртларининг учдан бир қисми давлатга тегишлидир. Мак-

табгача таълимнинг ягона тизими йўқ. Ўрта таълим фақат дастурларда фарқ қилади. Мамлакатдаги ўрта таълим 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган барча болалар учун мажбурийдир. Биринчи ва иккинчи синф дарслари болалар боғчасидаги машғулотларга ўхшайди. Фақат учинчи синфдан бошлаб ҳат, ўқиш, ҳисоб ва табиий фанлар ўқитилади. Мактабларда уй вазибаси фақат 6-синфдан сўралади.

Бошланғич таълимнинг асосий вазибаси алоқа кўникмалари ва битта жамоада ишлаш қобилиятини, ўйин ва кизикарли тажрибалар орқали дунёни билишдан иборат. Бунда ўқитувчилар болаларнинг қобилиятини аниқлайди.

Бошланғич мактабнинг сўнгги синфидан ўқув дастурлари ва IQ тести ҳақидаги билим даражасини аниқлаш учун синов ўтказилади. Ушбу тестларга асосланиб, ўқитувчилар талабага ўрта таълим турлари бўйича тавсиялар беради.

Ўрта таълим бир неча босқичдан иборат. Нидерландия олий таълими Европада энг нуфузли таълим ҳисобланади. Кўпгина университетларда, бакалавр, магистратура ва аспирантура дастурлари инглиз тилида юритилади. Бу эса дунёнинг кўплаб мамлакатларидан талабаларни жалб қилади. Шунингдек, уларнинг дипломлари дунёдаги кўплаб мамлакатларда тан олинади.

Бошланғич таълим мажбурий

Жанубий Кореяда бошланғич мактабларнинг роли муҳим, унга 6 ёшдан (5 ёшли болалар ҳам ўқишга киришга ҳақли бўлиб, бунинг учун мактаб масъул шахсининг руҳсатномасини олиши лозим) юқори бўлган болалар қабул қилинади. 6 йил давом этиб, 1 йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган.

Ўрта таълим 3 йил давом этади ва у ҳам мажбурий бўлиб, бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Дарслар 45 дақиқадан этиб белгиланган. Мактабларда давлат тили, ахлоқ, ижтимоий фан, математика, жисмоний тарбия, мусика, санъат, чет тили каби 10 га яқин фанлар ўқитилади. Шунингдек, ўрта мактабда ўқувчи учун танлов фанлар мавжуд, буларга ахборот, чет тили каби фанлар киритиш мумкин.

Ўрта мактаб тугатилгач, юқори мактабларда таълим давом эттирилади. Юқори мактаблар бир неча турларга бўлинади — давлат юқори мактаблари (Корея Таълим ва Техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради), умумий юқори мактаблар (ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади) ва хусусий юқори мактаблар. Шунингдек, юқори мактаблар ҳам ўқитиш фанларига кўра бир қанча турлар-

га бўлинади: умумий мактаблар, ихтисослаштирилган мактаблар (кишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот), махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб), техника мактаблари, чет тили мактаби, жисмоний тарбия мактаби, санъат мактаблари.

Жанубий Корея Республикасида Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан кишлоқ хўжалиги, баллиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Ўқитувчига вазирнинг маоши, императорнинг обрўси, депутатнинг дахлсизлиги берилган

Япония айнан таълим тизimini намунали йўлга қўя олгани сабаб жуда қисқа муддат ичида дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олган. Мазкур давлатда ўқитувчига вазирнинг маоши, императорнинг обрўси, депутатнинг дахлсизлиги берилганлиги сабабли ана шундай юқсак натижага эришилганлиги ҳақиқат. Хулқ-ағвор, муомала маданияти жуда юқори даражада. Ўқувчилар 4-синфга қадар имтиҳон топширмайди. Фақат кичик-кичик мустақил ишлар ёзади. Мактабнинг дастлабки уч йилида илм олишга қатта куч сарфланмайди. Асосий эътибор болалар тарбиясига, яъни ўқувчилар бошқаларни ва уй хайвонларини хурмат қилишни, олижанобликни, ҳамдардликни, ҳақиқат излашни, ўзини ўзи назорат қилишни ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўрганади.

Ўқув йили 1 апрелдан — табиатнинг бениҳоя гўзал манзараси саналган сакура гуллаши билан бошланади. Академик йил уч семестрдан иборат — 1 апрелдан 20 июлга қадар, 1 сентябрдан 26 декабрга қадар ва 7 январдан 25 мартга қадар. Ўқувчилар ёзги таътилда 6 ҳафта, қишки ва баҳорги таътилда эса икки ҳафта дам олишади.

Мактабларда фаррош умуман бўлмайди. Шу йўл билан ўқувчилар жамоада ишлашни ва бир-бирига кўмаклашишни ўрганишади. Ҳар қайси ўқувчи ўзи тозалаган жойни ифлос қилмайди. Синфда овқатланилади, мактабларда тайёрланадиган таомлар менюсини ошпазлар билан бир қаторда тиббиёт ходимлари ҳам ишлаб чиқишади.

Кўшимча таълим зарурати билан бошланғич синфлардан ўқувчилар хусусий ва тайёрлов мактабларига борадилар. Мақсад — намунали ўрта ва кейинчалик юқори синфларда таълим олиш. Ўртача мактаб вақти кунига 6-8 соатни ташкил этади. Давомат 99,99 фоиз. Мактабларда болалар умуман дарс қолдиришмайди ва дарсга кечикиб келиш кам ҳолларда учрайди. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг 91 фоизи ўқитувчини диққат билан эшитишади.

Битириш имтиҳони ҳаммасини ҳал қилади — битирувчи олий ўқув юртига ўқишга қирадими ёки йўқ. Мактабни битириш арафасида ўқувчилар ягона тест имтиҳони топширадилар. Битирувчи фақат битта олий таълим муассасасини танлаши мумкин.

Бу борада сўнгги йилларда юртимизда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, мактабгача таълим соҳасида алоҳида вазирлик ташкил этилиб, мактабгача таълимга қамров 2021 йилда 1,895 минг нафар 67,2 фоиз (2017 йилда 708,247 нафар (27,7 фоиз) қамраб олинган)ни ташкил этди. 2022-2023 йилларда 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 90 фоизга етказиш, мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб боришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, мактабгача таълим-тарбия жараёнининг илмий асосланган ёндашувлар асосида такомиллаштириш каби вазибалар белгиланди. Умумий ўрта таълим мактабларида таълим тизими қайтадан кўриб чиқилиб, 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур тасдиқланди. Унда илгор хорижий тажриба асосида таълим сифатини ошириш, ўқитувчилик касбининг нуфузини юксалтириш, инклюзив таълимни ривожлантириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, инфратузилмани яхшилаш, соҳани рақамлаштириш бўйича долзарб йўналишлар белгиланган.

Бугунги кунда юртимизда 159 та (Тошкент шаҳрида 72 та, ҳудудларда 87 та) олий таълим муассасаси (28 та университет, 47 та институт, 3 та академия, 1 та консерватория, 26 та филиал, 30 та хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ва 24 та нодавлат олий таълим муассасаси) мавжуд. Таълим муассасаларида таҳсил бериш тартиби ва уларни молиялаштириш тартиби ҳам тубдан такомиллаштирилмоқда.

Модомики, гап илм-фан ва таълим-тарбия масаласида кетар экан, бу ўринда Амир Исмоил Сомонийнинг “Аждодинг шухратига суюнма, ўзингга ўзинг шухрат топ!” деган фикрини эслаш жоиз. Ёки фарзандларимиз онгига Гюгонинг “Китоблар жонсиз, аммо содиқ дўстлардир” ёхуд Демокритнинг “Масала билимнинг бутунлигида эмас, ақлнинг бутунлигида” деган фикрларини сингдириб, уларни китобхонликка кўпроқ жалб қилиш ҳамда шу орқали жамиятда ўз ўринларини топишга ўргатишимиз лозим.

Шунингдек, барча ўқувчилар учун бир хил дарсликлар яратишдан воз кечиш, ўқитувчи ташаббусига кенг йўл очиб, болаларга кўпроқ ижодий мустақил фикрлашни (иншо, баён ёздирини) ўргатиш, дарс ўтиш услуби, дарслик ва қўлланмаларни уларнинг ўзи танлашига имконият яратиш лозим. Айниқса, қуйи синфдаги ўқувчиларга уйга вазиба бериш, баҳолаш, имтиҳон олиш тизими ўрнига асосий билимни мактабда ўргатиш орқали ихтиёрий излашнига йўналтириш лозим. Барча мактабларда хорижий тиллар ҳамда компьютер технологияларини чуқурлаштириш тартибда ўқитишни йўлга қўйиш, битирувчилар учун мазкур фанлардан минимал билим даражасини белгилаб қўйиш лозим.

Ҳасан НАСИМОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари



КОРАҚАЛПОҒИСТОН

АДЛИЯ вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган “Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ҳуқуқий акцияси доирасида ташкил қилинган сайёр қабулда бир гуруҳ тўрткўллик тиббиёт ходимлари 2021 йилдаги хизмат сафари харажатлари ўрнатилган тартибда тўланмаганлигидан норози бўлиб, Тўрткўл туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

ТўРТКЎЛЛИК ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ



Мазкур мурожаат жойида ўрганилганда, ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлари тўланмаганлиги ўз тасдиғини топди.

Меҳнат кодексининг 171-моддаси талабларида, хизмат сафари давридаги йўлқира харажати, доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан, уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар, ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар тўланиши лозимлиги кўрсатилган.

Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида”ги Йўриқноманинг 10-бандида, хизмат сафарида юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари хизмат сафарига юборилган микдорда қопланади:

умумий фойдаланиладиган транспортни барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати; транспортда йўловчиларни мажбурий давлат суғурталаш бўйича тўловлар; йўлда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда; умумий фойдаланиладиган транспорт билан (таксидан ташқари) станциягача, соҳилгача, аэропортгача етиб олиш харажатлари, агар улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса.

Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, бюджет ташкилотлари ходимлари учун хизмат сафари йўлқирасига ҳақ тўлаш ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш-

нинг 0,08 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур Йўриқнома-нинг 15-бандида, хизмат сафарига юбориладиган ходимга хизмат сафарига кетишдан олдин мазкур Йўриқноманинг 10-12-бандларида кўзда тутилган микдорда кундалик, йўл харажатлари, турар жойни ижарага олиш харажатлари чегарасида пул кўринишидаги аванс тўланиши белгиланган.

Мазкур аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасига киритилган тақдимномага асосан мурожаат муаллифларининг хизмат сафари билан боғлиқ 5 миллион 787 минг 74 сўм миқдоридаги харажатлари тўланиши таъминланди.

**Мансур НУРАДДИНОВ,
Тўрткўл туман адлия бўлими
бошлиғи**



СУРХОНДАРЁ

БАНДИХОН туманида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ноқонуний бузилган савдо дўконлари учун компенсация пуллари тўланмай келинаётганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат йўллаган.



ЯНА КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ...

Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судига даъво аризалари киритилди.

Суд муҳокамаларидан сўнг фуқароларнинг ноқонуний бузилган савдо дўконлари учун тўланмай қолган компенсация пуллари ундириш бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Хусусан, Р.Тошқуловнинг манфаатини кўзлаб 481 миллион 254 минг 873 сўм, Х.Ҳамраевга 164 миллион 625 минг 907 сўм ҳамда У.Эргашев, Д.Абдураҳимов, Х.Раҳматов, Р.Маматқулова, Т.Эшпўлатова, С.Тошпўлатов ва М.Холтўраевларга жами 1 миллиард сўмдан ортиқ ўз вақтида тўланмай қолган компенсация пуллари ундирилиши суд тартибиде белгиланди.

**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси
Ахборот хизмати**



СУРХОНДАРЁ

ТЕРМИЗ туманида “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларга ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш туман адлия бўлими томонидан яхши йўлга қўйилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР АДЛИЯ НАЗОРАТИДА



Туманда жами 1 минг 645 нафар аёл “Аёллар дафтари”га киритилган бўлиб, улар 6 та тоифага бўлинган.

Туман адлия бўлими томонидан 3 ва 4-секторларда “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар билан сайёр қабуллар ўтказилиб, уларнинг мурожаатлари ва муаммолари тингланиши ва мурожаатлар бўлим иш юритувига қабул қилиниб, ижрога қаратилиши йўлга қўйилган.

“Аёллар дафтари”га киритилган 4-тоифадаги, яъни “ногиронлиги мавжуд ижтимоий ёрдамга муҳтож” аёлларнинг муаммолари туман адлия бўлими ташаббуси билан бартараф этилди. Жумладан, жисмоний имконияти чекланган, ногиронлик аравачасига муҳтож бўлган “Орол” маҳалласида яшовчи икки нафар ҳамда “Жўйжангал” маҳалласида истиқомат қилувчи бир нафар фуқарога ногиронлик аравачалари олиб берилди.

**Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия
бўлими бошлиғи**



ТОШКЕНТ

УЧТЕПА туман халқ таълими бўлими АКТ шуъбаси ходимлари М.О. ва М.З.ларнинг белгиланган ҳар ойлик устама ҳақи тўланмаганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига қилган мурожаати ўрганилди.



Халқ таълими бўлими “унутган” УСТАМА ТўЛАБ БЕРИЛДИ

Ўрганиш давомида аниқланишича, Президентимизнинг 2018 йил 19 августдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган микдорда тўланиши белгиланган. Бироқ, Учтепа туман халқ таълими бўлими АКТ шуъбаси бош мутахассиси М.О.га 2020 йил, 2021 йил ва 2022 йилнинг ўрганиш кунига қадар ва шуъба методисти М.З.га 2021 йилнинг 1 апрелидан ўрганиш кунига қадар ҳар ойлик устама ҳақи туман халқ таълими бўлими томонидан тўланмаган.


Мазкур қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш, АКТ ходимларига ишлаган даврлари учун тўланмай қолган маблағларни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлиқ тўлаб берилишини таъминлаш бўйича туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди. Натижада шуъба ходимларига тўланмасдан қолган жами 75,5 миллион сўм тўлаб берилиши таъминланди.

**Отабек НЕГМАТОВ,
Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи**



ХОРАЗМ

Фармон талабига ЗИД БЎЛГАН ҚАРОРЛАР...



ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “Е-қарор” электрон тизими жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Адлия вазирлиги зиммасига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнини “Е-қарор” электрон тизими орқали мониторинг қилиб бориш вазифаси юклатилган.

Шунга асосан, Урганч туман адлия бўлими томонидан халқ депутатлари Урганч туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг “Е-қарор” электрон тизими орқали қабул қилинган қарори қонунийлиги аҳволи юзасидан мониторинг ўтказилди.

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашининг “Урганч туманида фаолият кўрсатиб келаётган “Xiva sesame” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ва

“Машарип” фермер хўжалиги ерларини захирага қайтариниш тўғрисида”ги ҳамда туман ҳокимининг “Урганч туман ҳокимининг 2021 йил 4 февралдаги 188қ-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида”ги қарорлари Президентнинг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларига зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Урганч туманлараро маъмурий судига ариза киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорига асосан юқоридаги қарорлар ҳақиқий эмас, деб топилди.

**Сардор ЯВКАЧЕВ,
Урганч туман адлия бўлими
бошлиғи**



ЯНГИ РУКН:

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДА

Нима учун китоб маҳсулотлари ҚҚСдан озод қилинмади?

ЎЗБЕКИСТОНДА солиқ тўла-майдиган ташкилотлар рўйхати очиқланди, оғзим очилиб қолди...

Коррупцияга қарши кураш агентлиги Давлат солиқ қўмитасига таяниб солиқ имтиёзи ва преференциялар берилган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилди.

Маълумотда катта-катта бой ташкилотлар, бир қисми маҳаллий, бир қисми ўзимизнинг қорақўз ўзбекларга тегишли Россия компаниялари...

“Шунингдек, маълумотда солиқ имтиёзига эга бўлиб, умуман солиқ тўламаган корхоналар ҳам мавжуд. Улар имтиёзга эга бўлган жами солиқ тўловчиларнинг 35 фоизи ёки 15 минг 478 тани ташкил этади. Ўрганиш даврида бундай корхоналарнинг жами солиқ имтиёзлари миқдори 3 триллион сўмдан зиёдни ташкил этган” дейилапти.

Менга энг тушунарли бўлаётгани, танланган ташкилотларга

берилаётган солиқ имтиёзлари қаторида ҚҚС дан имтиёз 1-ўринда турибди. Бой-бақувват компаниялар бу имтиёзлардан фойдаланяпти. Лекин рентабеллиги паст, аммо жуда муҳим соҳалар бор, улар орасида ноширликни кўп гапириб келаман. Бир неча йиллар аввал янги Солиқ кодекси тўғрисидаги матбуот анжуманида ДСҚ масъулларидан “Нима учун китоб маҳсулотлари ҚҚСдан озод қилинмади, жаҳонда китобдан ҚҚС ундирадиган давлатлар жуда кам”, деб сўраганимизда, “ҚҚС бу занжир, у бир жойда ўзилса, кўп жойга зарар етади, ҳамма тўлаши керак”, — дейишганди. Ҳай, шунча бой компаниялар тўламас экану, аранг ривожланаётган ва муҳим ижтимоий юкни ортмоқлаб олган кичкинагина ноширликдан ҚҚСни босиб ундириш керак экан. Бойиб кетарканмиз шунда (бойиб-ку кетяп-мизми-йўқми, билмадим, маънан ғариблашиб, китобдан баттар узоқлашиб кетаётганимиз факт)!


Азиза Умарова ҳақли таъкидлаганидек “ундан кўра мамлакатнинг камбағал ҳудудларида шу бой компаниялар тинчгина солиғини тўлаб, ўша пулларга мактаб, йўл, шифохона қурилса бўлмайди?”

Бунақа саволларни яна кўплаб соҳаларга татбиқ қилиб бериш мумкин.


Солиқ имтиёзи ва преференциялари қандайдир мантиқ ва мезонлар асосида берилади, жаҳон тажрибасида бор, эвазига мана бундай ишлар қилинади ва ҳоказо деган аргументлар ҳамда эътирозлар бўлиши тайин. Майли, шундай бўлса ҳам, биздаги имтиёзлар аҳволимизга мувофиқми ва нега бунча бой ташкилотларга берилаверади?

Устун йиқилса устун зил кетади. Тўланмаган солиқларни бошқалар тўлайди. Тўланган солиқлардан ҳам адолат, ҳам фаровонлик, ҳам барака бўлади.

ИМҲО (шахсий фикрим)!!!



Шаҳноза СОАТОВА:



Барно ДЖУРАБАЕВА:

ЯХШИЛИККА САБАБЧИ БЎЛИНГ!

Бир аёлнинг хонадонида кактус гуллади. У 4 йилдан буён дераза тоқчасида турган бўлса-да, шу пайтгача ҳечам гулламаганди. Бу чинакам сюрприз эди. “Мени жаҳлдор, тошжорак дейишлари ғалати, — деб ўйлади аёл гулга тикилиб, — жаҳлдор аёлни кактуси гулламасди...”

Гуллаган кактуси ҳақида ўйлаганча тиқилнч метрода кетар экан, бир эркакнинг оёғини босиб олди. Унинг танбеҳига жавобан экансиз, марҳамат қилиб таксида юринг!”, — деб бақирмади.

Аксинча, мулойимлик билан, кечирасиз, тиқилнчда ҳеч қаерни ўшлай олмаяпман, хоҳласангиз, сиз ҳам оёғимни босинг, биру бир бўлади, деди.

Жиддий қиёфали эркак индамай

қўя қолди. Бироздан сўнг ўз бекатида тушди-да, газета харид қилди. Қайтимни ҳисоблашда адашиб кетган сотувчи аёлни койимокчи бўлди-ю, ўзини қўлга олиб:

— Ҳечқиси йўқ, ўзим ҳам ҳисоб-китоб ишларида ас эмасман, бемалол-бемалол, — деди.

Хижолатпазликдан омон чиққан сотувчи қиз бироздан сўнг келган, ўқишни жуда яхши кўрсанда, биттагина арзон газета сотиб оладиган қарияга яхшилик қилгиси келди — унга иккита журнал ва бир тўп эскироқ газеталарни бепул бериб юборди.

Қария ниҳоят хурсанд бўлиб кетгани учун, уйи олдида учратиб қолган қўшнисини ҳар галгидай, болангиз филдай қадам ташлаб тинчимни бузаяпти, деб койимади. Жилмайганча:

— Қизчангиз катта бўлиб қолибди-ку, сизга ўхшайдими, дадасигами — билмадим-ку, лекин катта бўлса, жудаям гўзал бўлиши аниқ, — деб айтди.

Қўшни аёл ишхонасига келди-ю, шифокор қабулига кечаги кунга ёзилиб, унутгани учун бугун келган кекса аёлни урушмади. Буни ўрнига:

— Майли, хижолат бўлманг. Мен ҳам баъзида қиладиган ишларимни унутиб қўяман. Бир дақиқа кутиб туринг, ҳозир шифокордан сизни қабул қила оладими-йўқми, сўраб чиқаман, — деди.

Кекса аёл шифокор олдига кириб, ҳар галгидай, менга арзон ва тез таъсир қиладиган дори ёзинг, акс ҳолда устингиздан ёзаман, деб жанжал кўтармади.

— Кексаликнинг давоси йўқлигини биламан, шундай бўлса-

да, ёрдамингизга муҳтожман, — деди мулойим оҳангда.

Шифокор уйига қайтар экан, йўлда бирдан ўша кекса аёл ёдига тушди. Умр қандай тез ўтади-я, деб ўйлади у. Шартта қайрилди-да, дўқондан чиройли гулдаста ва торт сотиб олиб, мутлоқ бошқа йўлга юриб кетди. Манзилга келгач, учинчи қаватга кўтарилиб, эшик қўнғироғини босди:

— Нимага ҳадеб бир-биримизни ранжитаверамиз а? Ахир ҳаёт қанчалар қисқа... Кирсам майлими?

— Албатта, — жавоб берди эшикни очган жувон, — менда ажойиб янгилик бор. Эрталаб қарасам, кактус гуллабди. Қаранг, қандай чиройли...

P.S.: Табассум қилинг — яхшиликка сабабчи бўлинг. Худди гуллаган кактус сингари.

Тармоқдан олинган саҳифа матнлари ва жумлалар ўзгартирилмади, таҳрир қилинмади.

МАМЛАКАТИМИЗДА ер муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик нормалари яратилган бўлишига қарамасдан, ер билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари, фуқароларнинг муаммолари камаймаяпти.

ЕР участкаларини АЖРАТИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ,

ЕРГА МУНОСАБАТ-ЧИ?

➤ **Мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солувчи қандай қонунчилик мавжуд?**

➤ **Қонунчиликда туман (шаҳар) ҳокимларининг ер ажратиш билан боғлиқ ваколатлари қандай?**

➤ **Ер соҳасида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан қонунчиликда қандай жавобгарлик белгиланган?**

➤ **Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаролар ёки тадбиркорликни кенгайтирмоқчи бўлган тадбиркорларга ҳозирги кунда қандай тартибда ер ажратилмоқда?**

➤ **Илгари фуқаронинг ер участкаси ёки кўчмас мулки давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилса, унинг ўрнига мулкнинг баҳоси миқдоридида бошқа ер участкаси ажратилар эди. Ҳозирги кунда ушбу тартиб қандай амалга оширилмоқда?**

— Конституцияимизнинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир, деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ер муносабатлари Ер, Шаҳарсозлик, Уй-жой кодекслари, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехкон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сонли, 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли қарорлари ва бошқа соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан ер ажратишнинг очик ва шаффоф тизими жорий этилиб, ҳужжатда белгиланган бошқача тартибда ер ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар тўлиқ бекор қилинди.

Фармоннинг 4-бандига асосан 2021 йил 1 августдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, яъни туман (шаҳар) ҳокимларининг ер муносабатларига оид қуйидаги ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи бекор қилинди:

- ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захира-лаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш;
- туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш;
- суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш;
- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш;
- хусусийлаштириладиган ер участкаларига нисбатан инвестиция мажбуриятлари ёки хусусий мулкни эркин тасарруф этишни чеклайдиган бошқа мажбуриятларини белгилаш.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатларида Фармонда белгиланганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар 2021 йил 1 августдан тўлиқ бекор қилинди.

Шу билан биргаликда, давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқача тарзда имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиш тақиқланди.

2021 йил 16 августда “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат

ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддасида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари миқдоридида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса — уч юз баравари миқдоридида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, кодекснинг 601-моддасида суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан қоралар қўрилмаганлиги, шу жумладан, ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари миқдоридида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Жиноят кодекси 229^а-модда билан тўлдирилди. Унга асосан суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликдан чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Ўша қилмиш: а) ерларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) тақдоран ёки хавфли рецдивист томонидан; г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан

жазоланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти бўйича ва яқка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга тўғридан — тўғри ер участкаси ажратиш талаби бекор қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида”ги 71-сонли қарорига асосан тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини ажратиш мулк ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади.

Шу билан биргаликда, мазкур қарорга асосан яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида ажратиш ҳам электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сонли қарорига биноан юридик шахсларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ижарага бериш очик электрон танлов орқали амалга оширилади.

“Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонуннинг аҳамиятли томони шундаки, унда вилоят ҳокимларининг ерга оид қарор лойиҳалари ҳудудий адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “E-qaror” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 390-сонли қарорига асосан 2021 йил 1 июлдан бошлаб барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишлари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш “E-qaror” электрон тизими орқали амалга оширилади.


Шунингдек, қарорда “E-qaror” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилишга йўл қўйилмаслиги, бундай ҳужжатлар юридик қучга эга эмаслиги ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармаслиги белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомга (ҳозирги кунда қучини йўқотган) асосан илгари ҳақиқатдан ҳам ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва тадбиркорларга мол-мулкнинг қиймати билан бирга тенг миқдорда ер участкаси ҳам берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га ўзгартиришлар киритилди.

Шунга асосан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга ер участкасини компенсация тури сифатида бериш чиқариб ташланди. Фақат компенсация тури сифатида пул маблағлари ҳамда бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш қолдирилди.

Анвар РЎЗИЕВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари



■ ИНСОН боласи дунёга келибдики, унинг турғун ҳолатда маиший ҳаёт кечириши учун биринчи навбатда бошпана, яъни турар жой, ундан кейин эса уни шу макону манзилга олиб борувчи йўлга муҳтож. Ҳар биримизнинг йўл билан боғлиқ хотираларимиз, ўзига хос таассуротларимиз бор, албатта. Йўлларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш эса, кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ.

Белгиланган тартиб-қоидаларни ўрганайлик ва уларга амал қилайлик!



Таъбир жоиз бўлса, йўл инсонни маълум бир манзилга белгиланган мақсад сари ҳаракат қилиб, етиб олишини таъминловчи энг зарур воситадир. Йўлда ҳаракатланиш учун йўл асосан иккита талабга жавоб бериши керак. Биринчидан, йўл ҳаракатланиш учун қулай бўлиши зарур. Иккинчидан, йўллар хавфсиз бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси 1996 йилда дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 та давлатнинг бирига айланди. Табиийки,

бу йўллардаги ҳаракатга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилди. Ўз навбатида йўлларда ҳаракат хавфсизлиги чораларини кучайтиришга эҳтиёж пайдо бўлди. 1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзга келувчи муносабатларни тартибга солиди ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва

мол-мулкни муҳофаза этишни таъминлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, атроф табиий муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган.

Мазкур қонуннинг 2-моддаси биринчи қисмида йўлга қуйидагича таъриф берилади: “Йўл-транспорт воситалари қатнови учун қурилган ёки мослаштирилган ва худди шу мақсадда фойдаланиладиган ер минтақаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл ўз ичига автомобиль йўлларини (умумий фойдаланишдаги ва идоровий автомобиль йўлларини), шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ва йўлчаларини, шунингдек, шаҳар электр транспорти йўлларини олади.”

Таърифдан келиб чиқиб, йўлларни умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, идоровий автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ва йўлчалари, шунингдек, шаҳар электр транспорти йўлларига бўлиш мумкин.

“Йўл ҳаракати қоидалари”-

нинг янги таҳрири тасдиқланди. Ҳар биримиз ҳайдовчи ёки йўловчи бўлмайлик, бу тартиб-қоидалар билан танишиб чиқишга вақт топишимиз керак! Йўловчи ҳам ҳайдовчи каби масъулиятли бўлса, йўлларда содир бўладиган кўнгилсиз ҳалокатларнинг олди олинади. Хавфсизлик қоидаларини фарзандларимизга болалигидан ўргатайлик, аввало, оилада муҳит бўлса, болалар ҳам кичик ёшлигидан одобли, тартибли бўлиб ўсади. Бу билан нафақат ўз ҳаётимиз, балки, оиламиз аъзоларининг ҳаётини ҳам асраб-авайлаган бўламиз.

Ҳаётимизнинг кўпроқ қисми йўлларда ўтади. Ҳаммамиз ҳар куни қаергадир борамиз. Йўллардаги тирбандликларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳайдовчи ниҳоятда эътиборли ва ўта ҳушёр бўлиши зарур.

Статистик маълумотларга қараганда, дунё миқёсида энг кўп ўлим ҳолатлари йўл-транспорт ҳодисаларини нотўғри бошқариш, айнан йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқмоқда. Шундай экан, келинг, белгиланган тартиб-қоидаларни ўрганайлик ва уларга амал қилайлик. Ўз хавфсизлигимизни таъминлаш ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик!

Бахтиёр ҚЎШБАҚОВ,
Сирдарё туман юридик
хизмат кўрсатиш маркази
бош юрисконсулти



ҲУШЁР БЎЛ!



ТЕЗЛИКНИ
ОШИРМА!



ТЎХТА!
ҚОИДАНИ БУЗМА!

Қилмиш-қидирмиш

■ **ДАМИН (исм-шарифлар ўзгартирилган) мактабни яхши баҳолар билан битирди. Ота-онасининг тарбияси, устозларидан олган сабоғи туфайли олийгоҳда таҳсил олиш бахтига ҳам муяссар бўлди. Ишга кирди. Вақти келиб оила кўрди, уч нафар фарзандга ота бўлди. У 2021 йилнинг апрелидан бошлаб, Олмазор туман ички ишлар бўлимида профилактика инспектори лавозимида фаолият олиб бораётган эди.**

ИНСПЕКТОРГА

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

Афсус, мисқоллаб йиғилган обрў-эътибор, ота-онанинг орзу-умидлари, устозларнинг ўғитлари 500 минг сўмга “сотилди”. Ачинарлиси, 500 минг сўм ҳам буюрмади. Аксинча, ўша пул Даминнинг қўлига кишан уриб, панжара ортига сургун қилди.

Воқеа шундай содир бўлади: Дамин 2021 йил 27 сентябрь куни хизмат ҳу-

дудида ижара шартномасини расмийлаштирмасдан 6 нафар фуқарони 3 миллион сўмга ижарага қўйган хонадонни аниқлайди. Ижарада турган фуқароларни хизмат хонасига олиб бориб, уларга жарима қўллашнинг маълум қилади. Шу орада хонадон эгаси Зулфия опа ҳам етиб келади. У Даминга оилавий шароити оғирлигини тушунтириб, жарима

қўлламаслигини илтимос қилади. Дамин ишни бошқа кунга қолдиради.

2021 йилнинг 2 октябрида Дамин Зулфия опани яна хизмат хонасига чақириб, у билан ижарада турган 6 нафар фуқаро юзасидан суриштирув ишларини давом эттиради. Суриштирув якуни Зулфия опага нисбатан 1 миллион 500 минг сўм жарима қўллашга бориб тақалади. Зулфия опа яна бир бор Даминга оилавий шароити оғирлигини тушунтириб, жарима миқдорини камайтиришни сўрайди. Даминнинг фикри ўзгарди. Зулфия опага ёрдам қилишини айтиб, жарима миқдорини 540 минг сўмга туширади. Зулфия опа эса фақат 500 минг сўм бера олишини айтади. Инспектор розилик билдиради.

Зулфия опа ижарачилардан ойлик тўловни олгач, инспекторга ваъда қилинган 500 минг сўмни келтириб беради. У ижарачиларни бошқа безовта қилмаслигини илтимос қилади. Орадан икки кун ўтиб, Зулфия опанинг хонадониде ижарада турган ижарачилардан бирининг қўл телефони 135 минг сўм жарима белгиланганлиги тўғрисида смс хабарнома келиб тушади. Бундан хабар топган Зулфия опа инспекторга қўнғироқ қилиб, нега ижарачиларга жарима белгиладин-

гиз, ахир келишгандик-ку, дея сўрайди. Инспектор бу бошқа масала, келишганимиз эса бошқа масала эди, деб жавоб беради.

Хуллас, Зулфия опа инспекторнинг муддаосини тушунади. У билан гаплашиб, бошқа ижарачиларга жарима белгиламаслик учун яна 500 минг сўм беришга келишади. Аммо Зулфия опа бу сафар бошқача йўл тутишга мажбур бўлди. Инспекторнинг қилмишини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига баён қилади. Ўз вақтида кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли Дамин инкор этиб бўлмас ашъвий далиллар билан қўлга олинди. Нафс балосига йўлиққан инспекторга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан ҳукм ўқилди...

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

E'OLON

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 2-iyundagi 90-um-sonli buyrug'iga asosan, Jizzax shahrida faoliyat ko'rsatuvchi "Malakali himoya" advokatlar hay'ati advokati Abulkasimov Mardanga 2018-yil 28-dekabrda berilgan 048-sonli advokatlik guvohnomasi va maqomi 2022-yil 2-iyun kundan tiklandi.

Инсон
ва ҚОНУН


МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897



9 772010 789006

Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музафр Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Юлдашева Шохидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи

Ёрбек Искандаров

Саҳифаловчи-
дизайнер

Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 3600
Буюртма — Г-362

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



ОНАМНИНГ ИШ СТАЖИ ҚАНДАЙ ТИКЛАНАДИ?

— **ОНАМ** ёшига доир нафақага чиққунларича тикув фабрикасида ишлаган. Иш стажига ҳақида маълумотлар ёниб кетган экан, архивдан топилмади. Кўп йиллик иш стажига эди. Қарга мурожаат қилсам бўлади?

— Аввало, онангиз нафақага эмас, балки ёшга доир пенсияга чиққан ҳисобланади. Чунки бу икки тушунча бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Жуда кўпчилик пенсия билан нафақани битта нарса деб ҳисоблайди. Яъни, кўпчилик “пенсия” сўзи “нафақа” сўзининг русчаси деб хато ўйлайди. Аслида, нафақа рус тилига “пособие” деб таржима қилинади. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ҳам фойдаланувчилар пенсионер ва нафақахўр тушунчаларини синоним сифатида ноўрин ишлатишади.

Саволингизга тўхталсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 56-бандига кўра, иш стажига тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланади.

Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлиналари фуқароларга иш стажини тасдиқлаш учун қонунчиликда назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда судларга даъволар тайёрлашда кўмаклашишади.

ТАЪТИЛ МУДДАТИ НЕЧА КУН?

— **Таътил** муҳлати меҳнат таътили — 24 календарь кун. Ходим биринчи иш йили учун 8 ойдан сўнг таътил олмақчи. Бу ҳолатда ходим тўлиқ 24 кунга таътилга чиқиши керакми ёки ишлаган даврига мутаносиб равишда 16 кунлик таътил бериши керакми?

— Меҳнат кодексининг 143-моддасига кўра, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин берилади (модданинг учинчи қисмида ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин таътил берилиши ҳолатлари келтирилган). Сиз айтган ҳолатда ходим 8 ой ишла-

ган ва таътил олмақчи. Бундай ҳолда ходимга тўлиқ, яъни 24 кун таътил берилиши мумкин. Агар таътилдан кейин ходим шартномани бекор қилмоқчи бўлса-чи? Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Аванс ҳисобда таътилни олиб, пулни чўнтакка солиб, кейин ишдан кетаман, деб ўйлаганлар нотўғри ўйлашмоқда. Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра, ходим иш йили тугамасдан туриб таътил олиб бўлган бўлса, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади. Ана шундай кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси ушбу Кодекс 89-моддасининг тўртинчи қисмида, 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандлари, 106-моддасининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди.



ХОДИМНИНГ РОЗИЛИГИ ШАРТМИ?

— **Бюджет** таъкилотиде ишлайман. 0,5 ставкада ишловчи ходим ойнанинг 26-санасидан меҳнат таътилига чиқди. У ҳозирда меҳнат таътилида. Бошқа 0,5 ставкада ишловчи ходим ўз аризаси билан ойнанинг 30-санасида ишдан бўшаб кетди. Ушбу 0,5 ставка бўш ўринини ойнанинг 2-санаси билан меҳнат таътилидаги 0,5 ставкадаги ходимга берса бўладими? Ходимнинг розилиги шартми? Ҳар иккала ходим ҳам битта лавозимда ишчи вазифасида ишлайди.

— Ҳа, албатта. Меҳнат кодексининг 88-моддасига асосан, меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилни муҳлати ва бошқа шартлар меҳнат шартларининг ижтимоий омиллари саналади.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади. Бунда таътилда бўлган ходим билан унинг 0,5 ставка ишида ишлашини қандай келишган бўлсангиз, 1 ставка ишни ҳам худди шундай келишув билан берасиз. Яъни, ходим 1 ставкада ишлашга рози бўлиши керак.

Меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмий-

лаштириш Меҳнат кодексининг 96-моддасига асосан амалга оширилади. Ходим билан кўшимча келишув қилиб, тўлиқсиз иш вақти, яъни 0,5 ставкани нормал иш вақти 1 ставкага ўтказиб, буйруқ чиқарилиши керак.



ҲАЙФСАН ЖАЗОСИДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМАН?

— **Қонунчиликка кўра, ҳайфсан жазосининг амал қилиш муҳлати қанча? Мисол учун 2021 йил ноябрь ойида қўлланилган ҳайфсан жазоси ўтган йил якунида ўз кучини йўқотиши керак эмасми? Ёки менга берилган ҳайфсан жазоси 2022 йил ноябрь ойига қадар ўз кучини сақлаб қолдимми?**

— Ҳайфсан жазоси Меҳнат кодексининг 181-моддасига кўра, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи томонидан қўлланиладиган интизомий жазо чораси саналади. Амалдаги Меҳнат кодексининг 183-моддасига асосан, интизомий жазонинг амал қилиш муҳлати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан охиригача бўлиши мумкин эмас. Бироқ 183-модданинг иккинчи қисмида белгиланганидек, интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли. Шундай экан, агар сизнинг ўзингиз ёки қорхонангиз меҳнат жамоаси раҳбарга мурожаат қилиб, ҳайфсанни олиб ташлаш ҳақида таклиф киритиши мумкин. Бироқ, раҳбар сизга нисбатан қўлланилган ҳайфсанни олиб ташлаш ёки олиб ташламаслик масаласини ўзи мустақил ҳал қилади. Соддароқ тушунтирсак, ҳайфсанни муҳлатидан олдин (бир йиллик муҳлат) олиб ташлаш тўлиқ тарзда раҳбарнинг хоҳишига боғлиқ. Масалан, иш берувчи сизга 2021 йил 1 ноябрда берилган ҳайфсанни бир кундан кейин 2021 йил 2 ноябрда ёки бутун ҳам олиб ташлаши мумкин.

“Ҳайфсан” берилгандан кейин 6 ой ўтмасдан туриб уни олиб ташлаш мумкин эмас” деган гаплар ва амалиёт қонунга зид ва асоссиздир.



Саволларга “Мадад” ННТ
Поп туман бюроси бош мутахассиси
Рашидхон КАРИМОВ жавоб берди.

Мутахассис минбари

Хусусий мулкнинг миқдори чекланадими?

МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ НИМА?



ҲАР қандай демократик давлатда фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган ва ҳимояланган бўлиши зарур. Ўзбекистонда ҳам мазкур масалалар қонун билан кафолатланган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муҳлатсиздир.

Конституциямизнинг 36-моддасида белгиланишича, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Шунингдек, Конституциянинг 53-моддасига асосан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан

баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Фуқаролик кодексининг 166-моддасида мулк дахлсиз эканлиги ва қонун билан қўриқланиши белгиланган. Мулк дахлсизлиги нима дегани? Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир.

Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат

ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Конституциямизнинг 54-моддасига асосан, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

“Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига асосан:

- Ўзбекистон Республикасида мулкий ҳуқуқ тан олинади

ва қонун билан муҳофаза этилади;

- мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин;
- мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга фақат ўзи ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, мулкдорнинг зиммасига бошқа шахсларнинг унинг мулкдан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйиш вазифаси юкланиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 32-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлайди, мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мол-мулкни кўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди.

Ушбу қонуннинг 33-моддасига асосан:

- мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир;
 - мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин;
 - мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд томонидан амалга оширилади;
 - ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлар гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, мулкдан тўла хўжалик юритиш, уни оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ёки қонунда ёхуд шартномада кўзда тутилган бошқа ҳолларда, мол-мулкка эгаллик қилувчи шахсга ҳам тааллуқлидир. Бу шахс ўз эгаллигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.
- Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.
- Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлади.

Илҳом ЮСУПОВ,
Тошкент Давлат юридик университети ўқитувчиси